
ИБСА Жаҳон ўйинларида кумуш медалини қўлга киритган Аҳадхон Кимсанбоевнинг муваффақияти эътироф этилди

Англиянинг Бирмингем шаҳрида заиф кўрувчи ва кўзи ожиз спортчилар ўртасида ўтказилган ИБСА Жаҳон ўйинлари пара шахмат баҳсларининг яққалик дастурда ёш истеъдодли пара шахматчимиз, Марғилон фарзанди Аҳадхон Кимсанбоев кумуш медалига эга чиққан эди.

Бугун шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов шаҳримиз фахри бўлган ёш спортчини ушбу муваффақият билан муборакбод этиб, унга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

2023-09-06 15:58:51